

**ИИО ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИДА ЗАМОНАВИЙ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ****Ҳоҷиев Набулло Миртемирович***ИИБ Академияси Жиноят ҳуқуқи
кафедраси катта ўқитувчиси*

Аннотация: Мақолада ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятида ахборот технологиялари қўллашга доир тушунчалар ёритилган, бу борада илмий изланишлар олиб борган олимларнинг фикрлар келтирилган, “Тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлаш” ва “тезкор-қидирув фаолиятининг ахборот тизими” муаллифлик таърифлари берилган.

Калит сўзлар: тезкор-қидирув фаолияти, ахборот, ахборот технологиялари, ахборот тизими, ахборот билан таъминлаш.

Келиб чиқиши нуқтаи назардан тезкор қидирув фаолияти ахборот ҳарактерига эга. Бу эса тезкор ходим тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш йўли билан шахс (ёки шахслар)нинг содир этилган жиноятга алоқадорлиги бўйича маълумотлар тўплаши, ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларини ҳужжатлаштиришида ифодаланади. Шундан келиб чиқиб, ходимнинг тезкор-қидирув фаолиятини шартли равишда икки қисмга бўлишимиз мумкин: 1) тезкор аҳамиятга эга бўлган маълумотларни аниқлаш ва йиғиш; 2) олинган тезкор маълумотни таҳлил қилиш, тезкор йўллар билан текшириш ва ушбу маълумотларни фойдаланиш бўйича тезкор-тактик ҳаракатларни амалга ошириш.

Дунё ахборот маконида янги ахборот хавфлари ва таҳдидлари вужудга келаётганлиги, шахс, жамоатчилик онгига катта таъсир кўрсатаётган «ахборот урушлари» доимий равишда бўлаётганлигини инобатга олиб, ахборотнинг ўзи глобаллашув жараёнида белгилаб берувчи ва таъсир кўрсатувчи энг «қиммат» товар эканлиги изоҳланган[1].

Амалиётда тезкор ходим томонидан амалга ошириладиган тезкор-қидирув фаолияти юқоридаги икки қисмга бўлинмайди, балки тезкор ходим маълумотларни олади ва хулоса қилади, маълумотларнинг етарли эмаслигини билгач эса яна тазкор маълумотларни қидиради, олади ва таҳлил қилади. Бу ҳолат тайёрланаётган, содир этилаётган ва содир этилган жиноят бўйича, шунингдек, содир этилган жиноий қилмишга шахс (шахслар)нинг алоқадорлиги бўйича фактик маълумотларни қўлга киритилмагунга қадар давом этади. Айни пайтда тезкор ходим фаолиятининг икки таркибий қисмга бўлиниши нафақат тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлаш бўйича, балки ахборот-

технологияларидан фойдаланишни ташкил этиш бўйича ҳам методик база яратади.

Тезкор-қидирув фаолияти назариясида “ахборот билан таъминлаш”, “ахборот технологиялари” тушунчаларига аниқлик киритилмаган. В.Ю.Голубовский томонидан тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлашга “ички ишлар органлари бўлим ва хизматларининг жиноятларни аниқлаш, олдини олиш, очиш ва содир этилган жиноий қилмиш устида иш олиб бориш мақсадида махфий ёки махфий бўлмаган манбалардан тезкор аҳамиятга эга бўлган маълумотларни олиш, сақлаш, қайта ишлаш, узатиш ва фойдаланишга қаратилган фаолияти” деб таъриф берилган[2].

К.И.Гобрусенко эса тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлаш – тезкор маълумотлардан жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва очишда фойдаланиш бўйича қарор қабул қилиш учун ваколатли субъектлар томонидан тезкор маълумотларни олиш, қайта ишлаш, жамлаш ва ушбу маълумотларни автоматлаштирилган ахборот тизимлари асосида бошқа ахборот манбалари билан интеграциялаш деб ҳисоблайди[3].

Тезкор-қидирув фаолиятига мўлжалланган ахборот тизимлари ёрдамида тезкор-қидирув фаолияти субъектларини ахборот билан сифатли ва самарали таъминлаш шароитлари яратилади, тезкор тадбирларни амалга оширишда қонунийлик таъминланади[4].

Ахборот билан таъминлаш ўзида кўп қиррали ҳуқуқий, ташкилий, методик ва техник тавсифларни мужассамлаштирган тезкор ва криминалистик таъминлашнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлашда асосий эътиборни криминалистик ва тезкор-қидирув ҳисобларни шакллантиришга ҳамда уларни юритишга қаратиш лозим бўлиб, жиноятларни фош этишда эса тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш жараёнида олинган маълумотлардан фойдаланилади.

Шундан келиб чиқиб, тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлашга “ваколатли субъектлар томонидан тезкор-қидирув фаолияти вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган ахборотни ошқора ёки махфий тарзда, бевосита ёки билвосита олиш, тўплаш ва фойдаланишга қаратилган фаолият”, деб таъриф берсак мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси “Тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлаш ва тезкор-қидирув ишини юритиш” деб номланади. Ушбу моддада Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш учун тезкор-қидирувга мўлжалланган ахборот тизимларини яратишга ва улардан фойдаланишга ҳақлилиги, шунингдек

мазкур қонуннинг 15-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, тегишли қарорлар қабул қилиш мақсадида тезкор-қидирув иш юритуви ишлари юритилиши белгилаб қўйилган[6].

Шу билан бирга тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишда қўлланиладиган ахборот тизимлари ва махсус техника воситалари атроф муҳитга зарар етказмаслиги керак[7].

Р.С.Белкин тўғри таъкидлаганидек, илм-фан тили ишлатиладиган белгилар ва атамаларнинг аниқлиги, муқаррарлиги билан ажралиб туриши керак[8]. Юқоридаги услубий позицияни асос қилиб олиб, "ахборот технологиялари" тушунчасининг мазмунини тушунишга ҳаракат қиламиз.

"Ахборот" атамасини тушунишда қийинчиликлар мавжуд. Адабиётларда ахборот концепциясини тизимли ўрганишга биринчи уринишлар XX асрнинг 20-30-йилларига тўғри келади. Бу журналистика назарияси билан боғлиқ. Бу ерда энг кенг тарқалган маълумот "фактларни тавсифлаш" сифатида тақдим этиш эди, қарама-қаршиликлар эса маълумотни ҳар қандай фактлар ёки фақат янгиларига боғлаш сабабли келиб чиққан[9].

Ахборотни таснифлашнинг энг ишончли моделларидан бири В.Г.Афанасьев томонидан яратилган[11]. Унинг назарияси кунлик, эмпирик, илмий ва тизимлаштирилган маълумотларни белгилайди. Кейин ташқи ва ички маълумотлар белгиланади. Биринчиси тизимга ташқи томондан келади, иккинчиси унинг ўзида ривожланади. Бундан ташқари, бошқариш объектидан бошқариш объектига ўтадиган маълумотлар тўғридан-тўғри, бошқариш объектидан субъектига ўтадиган маълумотлар эса тесқари ахборот деб тавсифланади.

Р.А. Усмонов "ахборот" тушунчасининг таърифларини икки гуруҳга ажратади: "Ахборот бу улар олинисидан олдин мавжуд бўлган ноаниқликни камайтирадиган ёки йўқ қиладиган маълумот. Ноаниқлик маълум бир объектни билиш учун хос бўлган нарса сифатида кўриб чиқилиши мумкин" ва "Ахборот - бу нарса ва ҳодисаларнинг фарқлилигини белгилаб берувчи маълумот. Ҳеч бўлмаганда бир объектнинг икки элементи ўртасида тафовуд мавжуд бўлганда маълумот юзага келади[12]." Унинг фикрига кўра, "ушбу таърифлар ахборот мазмуни ғоясининг энг умумий таърифидир. Биринчиси ноаниқлик концепциясидан фойдаланган ҳолда шакллантирилган, иккинчиси фарқ тушунчасига асосланган." Бироқ, унинг таърифлари умумий қабул қилинганлардан фарқ қиладди. Шундай қилиб, ахборот одатда одамлар томонидан оғзаки, ёзма ёки бошқа усулда (шартли сигналлар, техник воситалардан фойдаланган ҳолда) узатиладиган маълумот сифатида тушунилади. Бироқ, ўтган XX асрнинг ўрталаридан бошлаб, тушунчанинг маъноси бироз ўзгариб, одамлар, одам ва машина, машина ва машина ўртасида

маълумот алмашинуви, ҳайвонлар ва ўсимлик дунёсида сигналлар алмашинувини ўз ичига олган умумий илмий тушунча сифатида қабул қилина бошлади[13].

Ахборот технологиялари – бу ахборот ресурсларидан фойдаланиш жараёнларининг соддалаштириш, уларнинг ишончилиги ва самарадорлигини ошириш мақсадида маълумотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, чиқариш ва тарқатишни таъминлайдиган технологик занжирга бирлаштирилган усуллар, ишлаб чиқариш жараёнлари ва дастурий-техник воситаларнинг комбинацияси. Ахборот технологияларини қўллашдан мақсад – ахборот ресурсларидан фойдаланишни соддалаштириш[15]. Ахборот технологиялари (ИТ, инглизча “information technology”) – бу маълумотларни бошқариш ва қайта ишлаш технологиялари, шу жумладан компьютер технологияларидан фойдаланишга тегишли фанлар ва фаолият соҳаларининг кенг синфи. Ҳозирги вақтда ахборот технологиялари деганда асосан компьютер технологияси тушунилади. Хусусан, АТ ахборотларни сақлаш, ўзгартириш, химоя қилиш, қайта ишлаш, узатиш ва қабул қилиш учун компьютер ва дастурий таъминотдан фойдаланади[16]. АҚШ Ахборот Технологиялари Уюшмаси уни ҳар қандай компьютер ахборот тизимларини тадқиқ қилиш, лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш, амалга ошириш, хизмат кўрсатиш ва (ёки) бошқариш деб тушунтиради[17].

Шу ўринда қонуний талқинларга мурожаат қилишни лозим топдик. Ўзбекистон Республикаси 2002 йил 12 декабрдаги "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг 3-моддасида ахборотга қуйидагича таъриф берилган: "ахборот — манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар.

Ўзбекистон Республикаси 2003 йил 11 декабрдаги "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонунининг 3-моддасида эса қуйидаги тушунчалар келтирилган: ахборот технологияси – ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар; ахборот тизими – ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари[18].

"Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 2-моддасида эса **ахборот тизими**га ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари, деб таъриф берилган[21].

Берилган барча нуқтаи назарлар ва таърифларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолияти вазифаларини ҳал қилиш учун фойдаланиладиган ахборот технологиялари – ахборотларни қабул қилиш (узатиш) ва тезкор-қидирув фаолиятида улардан фойдаланишнинг рақамли технологиялари сифатида белгиланади.

Ҳар қандай технология усулларни, усулларни ва тартибларни ўзида мужассам этганлигини ҳисобга олсак, бу қоида ахборот технологияларига ҳам тегишлилигини таъкидлаш мумкин. Шундай қилиб, информатика имкониятлари тезкор-қидирув соҳасида қўлланилганда, нафақат янги техник воситалар, балки тезкор-қидирув фаолиятининг янги усуллари ҳам пайдо бўлади.

Шундан келиб чиқиб, Тезкор-қидирув фаолиятининг ахборот тизимига “тезкор аҳамиятга эга бўлган ахборотни излаш, тўплаш, сақлаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари”, деб таъриф берсак мақсадга мувофиқ, назаримизда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.К.Расулев Ахборот технологиялари ва ҳавфсизлиги соҳасидаг жиноятларга қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштириш: Юрид. фан. бўйича. докторлик (DSc) дис. автореф. – Т., 2018. – 18 б.
2. Голубовский В.Ю. Теория и практика информационного обеспечения оперативно-розыскной деятельности подразделений криминальной милиции: Автореф. дис. ... д-ра. юрид. наук. СПб., 2001. С. 19.
3. Гобрусенко К.И. Информационное обеспечение оперативно-розыскной деятельности подразделений по налоговым преступлениям МВД, ГУВД, УВД субъектов Российской Федерации: Дис. ... канд. юрид. наук. - М., 2006. С. 11-12.
4. Хамдамов А.А. Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунига шарҳ / А.А.Хамдамов, Т.Р.Саитбаев, С.Н.Гордеев ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-344-сон Қонуни // Электрон манба: <https://www.lex.uz/docs/2107763>
6. Хамдамов А.А. Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунига шарҳ / А.А.Хамдамов, Т.Р.Саитбаев, С.Н.Гордеев ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015.
7. Компьютерные экспертные технологии в органах внутренних дел. - М.. 1992; Компьютерные технологии в юридической деятельности. М., 1994.
8. Зуев СВ. Информационное обеспечение уголовного процесса:

- Методические рекомендации Челябинск: Челябинский юридический институт МВД России, 2004.
9. Афанасьев В.Г. Социальная информация и управление обществом. М., 2005. С.
 10. Усманов Р.А. Информационное обеспечение деятельности органов внутренних дел: криминалистическая регистрация: Монография Челябинск: Челябинский юридический институт МВД России, 2004.
 1. 22. Иллюстрированный энциклопедический словарь М.: Большая российская энциклопедия, 2001. С. 508.
 11. Основные понятия и определения информационных технологий // Образовательный портал RusEdu (2009).
 12. <http://vwwv/syssiipori.ru/page/page 14.html>.
 13. <http://ezineartides/com/?id=l 109986>.
 14. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги 560-II-сон Қонуни // Электрон манба: URL: <https://www.lex.uz/acts/83472>
 15. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги 560-II-сон Қонуни // Электрон манба: URL: <https://www.lex.uz/acts/83472>